

Юзга уришнинг қандай хатарлари бор?



14:00 / 05.09.2021 7817

Юз инсоннинг муҳим аъзолардан бўлиб, ундаги моддий, ташқи чиройини кўрсатадиган қисмидир. Юзда қулоқ, бурун, оғиз, тишлар кўзлар каби бир неча аъзолар бор. Юзга уриш юздаги моддий чиройнинг йўқолишига ёки нуқсон етишига, юздаги аъзоларга шикаст етишига, баъзида улар ўз вазифасини бажара олмай қолишига сабаб бўлади.

Америкалик тадқиқотчилар бош ва юзга уришнинг алцгеймер каби асаб касалликларига сабаб бўлишини аниқладилар. Бу касалликда мия ўз вазифаларини бажара олмай қолади. Мия билан боғлиқ ёки асаб касалликлари сабабли вафот этган 12 нафар спортчининг танаси ёриб кўрилганда, уларнинг асаб тизимлари зарарлангани маълум бўлди.

Бостон университети тиббиёт факультети ўқитувчисининг айтишича, ушбу ёриб кўриш натижаси тўқнашувли спорт ўйинларидаги бошга такрорий зарбаларнинг тушиши асаб касалликларига сабаб бўлишига далилдир.

Маълумки, бокс, каратэ, кикбокс каби спорт турларида бош ва юзга уриш, тепиш кўп содир бўлса, футболда тўпни бош билан уриш, қайтариш асносида бошга зарба тегади.

Хўш, юзга уришнинг қандай хатарлари бор?

- Миядаги 300-400 атрофидаги ҳужайраларнинг ўлишига сабаб бўлади.

- Баъзида кўр бўлиб қолишга сабаб бўлади.
- Эшитиш қобилиятининг йўқолишига сабаб бўлади.
- Юзнинг фалаж бўлиб қолишига сабаб бўлади.
- Баъзида дарҳол ўлиб қолишга сабаб бўлади.
- Паришонхотирликка сабаб бўлади.
- Таъм, ҳид билиш, чайнаш, ютиш ва кўз ёши билан боғлиқ муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлади.
- Беихтиёр ҳолатда пешоб чиқарадиган бўлиб қолишга сабаб бўлади.

Кўпчилик боласини уриб тарбия қилмоқчи бўлади. Боланинг юзига уришнинг хатарлари нима?

- Ёлғончи бўлиб қолишига сабаб бўлади.
- Қайсар бўлиб шаклланишига сабаб бўлади.
- Бола билан ота-она ўртасида ёмон кўриш каби салбий ҳислар пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бу эса оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муҳаббатнинг йўқолишига олиб келади.
- Одамлардан қўрқадиган, шахсияти заиф, душманлари учун осон ўлжа бўладиган тарзда шаклланади.
- Озгина дўқ-пўписа қилган кишига ёки ўзидан кучлироққа бўйсунадиган бўлиб қолади.
- Депрессияга тушадиган бўлиб қолишига сабаб бўлади.
- Одамови бўлиб қолишига сабаб бўлади.
- Одамларни ёқтирмайдиган, уларга нафрат кўзи билан қарайдиган бўлиб қолишига сабаб бўлади.
- Баъзан қотил бўлиб қолишига сабаб бўлади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам «**Сизлардан бирингиз урадиган бўлса, юзга уришдан сақлансин!**» деганлар.

Табароний ривоятлари.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам «Бирингиз уришмоқчи бўлса, юз (га уриш)дан сақлансин!» деганлар.

Бухорий ва Муслим ривоятлари.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бундан ўн тўрт аср олдин биз умматларини юзга уришдан қайтарганлар. Ўзлари ҳеч қачон оналаримизнинг, фарзандларининг ва ходимларининг юзларига урмаганлар.

Тиббиёт соҳасида юзга уришнинг хатарлари аниқланганига кўп вақт бўлмади.

Болаларни, аёлларни, хизматкорларни уришдан сақланишимиз лозим.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам нейроржарроҳ, невропатолог, невролог бўлмаганларини ҳисобга олсак, «Юзга уришдан сақлансин!» деб ўн тўрт аср олдин айтганлари у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Аллоҳ таолонинг ҳақ пайғамбари эканликларига далиллардан биридир!

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади